Маслаҳатлари билан ўртоқлашди

Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида АҚШ «North Estern» университети журналистика мактабининг директори профессор Николос Донилофф билан учрашув бўлди.

Америкалик таниқли журналист талабаларга замонавий халқаро журналистика ҳақида батафсил сўзлаб берди.

У Ўзбекистонда янги халқаро журналистика факультетининг очилганлигидан мамнун бўлганлигини билдириб, ўз маслаҳатлари билан ўртоқлашиш учун ташриф буюрганлигини таъкидлади.

Учрашув мароқли ва қизғин саволжавобларга бой бўлди.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Республикада ягона

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар янги замонавий шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда хусусий тиббий масканларни барпо этиш имкониятини берди. Самарқанд шаҳрида «Вилоят шошилинч тиббий ёрдам маркази» учун ажратилган 7 қаватли замонавий бино қисқа муддат ичида тўлиқ таъмирланди ва жиҳозланди. Республикамизда ягона ҳисобланган мазкур марказ учун яқинда умумий қиймати 1 миллион 500 минг АҚШ доллари бўлган компьютер томографи, Германиядан 7,5 миллиард немис маркасига тенг асбоб-ускуналар, салкам 87 минг долларлик сунъий буйрак аппарати, «Мерседес» фирмасининг реанабин маҳсулоти 90 та махсус тез ёрдам сумкаси олиб келинди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Заркент — файзли қишлоқ

Наманган вилояти марказидан 60 чақирим узоқликдаги баҳаво Заркент қишлоғи тобора чирой очмоқда. Яқинда бу ерда янги деҳқон бозори, "Заркент" ишлаб чиқариш мажмуи ишга тушди Янгиқўрғон туман савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти томонидан қурилган мажмуанинг иккинчи қаватида шолча-поёндоз тўқиш ва бичувчилик цехи очилди. Унда 60 нафар ишчи ўрни мавжуд.

Тантанага айланган тақдимот маросимида вилоят ҳокими Т. Жабборов заркентликларни янги қулайликлар билан табриклади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 19 октябрь, сешанба ● № 122 (25.517).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойи қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳақида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг фаолияти маъқуллансин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуни 24, 24^2-моддаларига ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдаги III Қурултойи қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, 2000 йилнинг 9 январь кунига белгиланган, сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партияси иштироки таъминлансин.

2.Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилсин.

3.Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб тасдиқлансин.

4."Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ги Қонуннинг 24^2-моддасига биноан, Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда унинг номзодини қўйилишига розилиги сўралсин.

5. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби И.А.Кочмарик зиммасига, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган, аризага имзо қўйиш ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, Қонунда белгиланган ҳужжатларни илова этган ҳолда, топшириш вазифаси юклатилсин.

«Биз ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя қиламиз» деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И.Каримов Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетасига

Уч ойдирки Қирғизистонда ҳукумат қўшинлари ва Тожикистон ҳудудидан у ерга кириб борган қуролланган диний экстремистлар тўдалари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Бишкекдан «Время МН» газетаси мухбирининг хабар беришича, республика жанубидаги вазият ўта қарама-қарши кўринади, ҳарбийларнинг жангариларни сиқиб чиқарганликлари тўғрисидаги баландпарвоз гаплари улар билан узоқ муддатли уруш прогнозлари билан алмашмоқда. Мухбирнинг таъкидлашича, Ўзбекистон жангарилар-нинг даъвосига қараганда, асосий мурод-мақсадлари эмиш.

Мухбирнинг Марказий Осиёда уруш бошланиш хавфи тўғрисидаги саволига Ўзбекистон Президенти бугун халқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди, — деб жавоб берди. — Доғистондаги ва умуман Россиядаги воқеалардан кейин етарли даражада қудратли, катта молиявий имкониятларга эга, аъло даражада уюшган муштарак марказлар мавжудлиги айён бўлди. Шу боис бугун уларнинг қўллари қай даражада узун эканлигини жиддий тасаввур ҳам қилолмаймиз.Диний экстремизм нафақат бизнинг ҳаниф ислом динимизга , балки у бошқа динларга ҳам хос бўлган хусусиятдир, лекин биз бугун мусулмонлик тўғрисида сўз юритмоқдамиз-.Энди менда шундай мустаҳкам ишонч ҳосил бўлдики, деб таъкидлади Президент, бугун халқаро терроризмнинг ҳайвоний сурати кўпчилик учун муқаддас бўлган диний тушунчалар билан ниқобланмоқда.

«Соф» ислом учун кураш ниқоби остида террористлар сафидан ўз дининг ҳақиқий қадр-қимматларини тасаввур қилолмайдиган ёшлар ўрин олмоқдалар. Уларни ҳеч ўйламасдан ҳар қандай қўпорувчилик ҳаракатига, осуда ухлаётган кишилар, болалар ва аёлларни қатл этишга тайёр ҳақиқий зомбиларга айлантирмоқдалар.Бундай хавф, айниқса Марказий Осиё минтақасига, хусусан аксарият аҳолиси ислом динида бўлган — Тожикистон ва Ўзбекистонга таҳдид солмоқда. Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуролли тажовуз хавфи эмас, балки мияси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб улғайган шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган плацдарм ва базаларни бунёд этишни мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда, — деди И.Каримов. Шундан сўнг Президент бу хавф-хатарнинг чегараси йўқлиги, у бир давлат, назорати остида бўлмаган экстремистик марказлардан, айтайлик, жанубдаги қўшнимиздан келиб чиқиши энг мудҳишдир, — деб айтди.

— Зеро, биз ҳеч бир ҳукуматга, мисол учун, бунга ҳеч қандай алоқамиз йўқ, деб эътироз билдираётган Покистон ҳукуматига даъволар билан мурожаат этолмаймиз. Ҳа, ҳудди шундай, лекин Покистон ҳудудида дастлаб уч-тўрт ой диний ақидапарастликка, сўнг эса ярим йил мобайнида қўпорувчилик фаолиятига тайёрлайдиган лагерларнинг бунёд этилишига хотиржамлик билан қарамоқда.

Жангариларнинг айнан Ўзбекистонга киришга интилишлари тўғрисидаги саволга жавобан Президент уларнинг диний мойиллик қаерда кучлироқ бўлса ўша ерга интилишларини қайд этди.

— Биз оталаримиз динига эътиқод қиламиз ва ҳеч қачон ундан қайтмаймиз. Ўз номимдан айтаманки: ҳа, мен мусулмонман, Оллоҳ менинг қалбимда. Ҳа, Ўзбекистон — 82 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган мамлакат ва ўз дини аҳкомларини жиддий билмайдиган биринчи навбатда, ёшлар ақлини айнитиш учун бу ерда ажойиб имкониятлар мавжуд.

Лекин ислом ҳеч қачон экстремистик оқимлар томонидан бунчалик жиддий таҳдидга дучор бўлмаган. Шунинг учун жорий йилнинг сентябрь ойида биз Тошкентда Ислом университетини очдик, унинг ҳузурида абитуриентлар учун лицей ташкил этилади.

Айтингчи, дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга келган, лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган? Ҳамма исмларни зикр этиб ўтмайман, мисол учун Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (Саллоллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг.

Ҳозирда унинг мақбараси қаерда? Самарқандда! Ал-Бухорийни бундай чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсидан неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди? Мен яна ўнлаб исмларни айтиб ўтишим мумкин! Ўзбекистон ҳукумати динимиздан бутун ўзбек халқи бахраманд бўлиши учун бор куч-ғайратини сарфламоқда.- Совет ҳокимияти даврида бизга ислом динини тарғиб этишга рухсат беришмаган, лекин у, яна бир бор айтаман, қалбимизда бўлган! Лекин бу ерга келиб ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Боғдод ва Мадинаю-мунавварада эътироф этилаётган, буюк мутафаккирлар авлодига «соф» исломдан сабоқ бериш мантиқданми!

«Соф» ислом ёки «соф» мусулмон тушунчасининг ўзи йўқ.Буни фақат Оллоҳ белгилайди. Ислом эътиқодининг демократиклиги шундаки, ҳеч қандай тест ва синовлар билан инсонни кофир ёки ҳақиқийларга ажратиш мумкин эмас. Мен буни белгилаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаганлиги тўғрисида Қуръондан ўнлаб оят ва сураларни келтиришим мумкин, — деб таъкидлади И.Каримов.

— Сиз жангарилар Ўзбекистонга қарши кураш олиб бориш учун Қирғизистон ҳудудига кириб келдилар, деб айтяпсиз.

Бу Қирғизистон жамоатчилиги ва раҳбариятида, биз сизларга тегмаймиз, бизга йўл очиб беринглар, қабилидаги хомхаёлни вужудга келтириш борасидаги биринчи уриниш эди. Бу воқеа жиноятчилар одамларни илк бор гаровга олган август ойининг бошида содир бўлди, сўнг қирғизлар 150 минг доллар тўлаб уларни қайтариб олдилар ва тахминан уч ҳафта ўтгандан кейин эса япон геологлари гаровга олинди. Нима учун Қирғизистонда ҳамма нарса август ойи бошида бошланганини ёзишмайди?

У ерда хомхаёлга берилиб кетишди: уларга эмас, балки Ўзбекистонга таҳдид қилишаётган экан, деб.Мени ҳайратга солган нарса сиз ҳам ушбу ривоятни кўпиртира бошладингиз.

Нима бўлаётганини эшитинг: суверен давлат ҳудудига олти юз ёки минг кишидан иборат қуролланган тўда кирмоқда... Ахир ҳар бир давлатнинг ўз қадр-ғурур туйғуси бўлиши керак, унинг ҳар бир фуқаросида эса хавфсизлиги сиртдан ҳимояланганлигига ишонч туйғуси бўлиши керак.

Бу гапни, шу жумладан, Россия телевидениеси қаердан олди ўзи, эмишки улар Ўзбекистонни ёриб ўтишга уринишган экан, уларни эса киритишмабди. Улар бизнинг эмас, бошқаларнинг душмани, қабилида гап юритиш — гўллик, саводсизлик, қуруқ сафсатадир! Унда Қирғизистон жамики халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда қўпорувчиларга бошқа мамлакатга суқилиб киришлари учун ўз ҳудудларини очиб бераётган эканда? Бундай сафсаталарни мен Ўзбекистон билан Қирғизистонни гиж-гижлатишга қаратилган уринишлар деб биламан ва уларни тамоман инкор этаман. Агар бу ҳақиқат бўлганда эди, бўлмаса нима учун жангарилар қирғизларни талонтарож ва қатл қилишни бошладилар, нима учун Зардоли ва Ҳўжа Очканда уларнинг хотинларини зўрламоқдалар?

Бу, шунчаки, Ўзбекистонга кетаеришда йўл-йўлакай қилинган ишми? Қолаверса сизга яна бошқа гапни айтаман: жангарилар Қирғизистон ҳудудини август ойида кесиб ўтганлари йўқ, улар икки йилдан буён Тожикистондан Қирғизистон орқали Ўзбекистонга бемалол ўтиб юрибдилар.Бунинг натижасида бизда жангарилар хуружлари содир этилди, Қўқон, Андижон ва Наманганда тонналаб портловчи моддалар топилди.Буларнинг ҳаммаси Қирғизистон ҳудуди орқали ташиб келтирилган!

Афғонистонга музокаралар олиб бориш учун қатнаётган, ўзларини ҳуқуқ ҳимоячилари деб атаётган Қирғизистоннинг бир қатор арбобларининг воситачилик миссияси хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти улар музокараларни жангарилар билан олиб бораётганини қайд этиб ўтди. — Воситачи музокараларни ақли расо кишилар билан олиб бориши керак, жиноятчилар билан эмас, — деб аниқлик киритди И.Каримов.

Мухбирнинг, нима учун бу ҳақда илгари гапирилмаган эди, деган саволига жавобан давлатимиз раҳбари қуйидагиларни айтди:

— Бу 500-600 қўпорувчи Қирғизистонга кириб келганда, уларни қуршовга ола бошланганда, қирғизлар сафарбарлик эълон қилиб, қуролли кучларни тўплаганда, бу иш билан жиддий шуғуллана бошлангандан кейингина маълум бўлиб, бу гаплар юзага чиқиб қолди.Бу саволни сиз Қирғизистоннинг махсус хизматларига, жангарилар турган Боткенга бирор марта ҳам бормаган давлат хавфсизлиги вазирига беринг. Сўранг, нима учун уларни босиб олган қишлоқларда боқишди, едиришди, ичиришди, қирғиз қизларини хотинликка беришди? Нега энди улар Қора-Арчадаги суқмоқлар орқали бемалол у ёқдан бу ёққа юргандилар, йўл кўрсатувчилари эса қирғизлар эдилар?

Ҳа, босқинчилар орасида ўзбеклар бор...Лекин яқинда маълум бўлдики, у ердагиларнинг аксарияти ҳукумат қўшинларига қўшилмаган Бирлашган тожик мухолифати (БТМ) вакиллари ёки БТМ раиси жаноб Нурий таъбирича, назорат қилинмайдиган жангарилар.Эҳтиётда ушлаб туриш учун у бугун уларни шундай деб номлашдан манфаатдор... Ҳозир у тинчлик жарчиси, унинг Ислом уйғониш партияси сайловларда қатнашмоқда, яна, ўзи ҳақида БТМ қуролли кучларининг раҳбари дейиш ноқулай.

Унинг «заҳирасидаги» барча одамлари қурол билан Гарм, Қоратегин, Тавилдара ҳудудида юришибди, бу бизга яхши маълум. Агар жаноб Нурий уларни билмайман деб айтаётган бўлса, у ҳолда мен Афғонистон чегарасидан Қирғизистон чегарасигача эмин-эркин юрган ўнлаб отряд қўмондонларининг номини айтаман. У билиб олсинки, бизга бу ўйинлар тушунарли. Қулоққа лағмон осишнинг кераги йўқ! Бундай ўйинларни у Раҳмонов билан ўйнасин, биз билан эмас. Агар Раҳмонов хоҳлаётган бўлса, Нурийга қулоқ солаберсин, зеро уларда анчадан буён ҳукумат билан мухолифат ўртасида тинчлик жараёни олиб борилмоқда, биз эса бундай жараённинг мантиқий хотимасига етишини истаймиз. Аммо бундай ўйинлар кетаётган бир пайтда қуролли отряд-лар суверен давлатга нисбатан босқинчиликни амалга оширмоқдалар, чегараларни бузмоқдалар, уларни доимий равишда қурол билан таъминлаб турибдилар, қирғиз ҳудудида яраланганларни эса бамайлихотир довон орқали Тожикистонга олиб кетмоқдалар...

Мухбирнинг Қирғизистоннинг довонни ёпиш ёки ёпмаслик имкониятлари тўғрисидаги саволига И.Каримов қуйидагича жавоб берди:

— У ерда, баланд тоғликда, босқинчилар ёқтириб қолган ўнлаб иссиқ булоқли жойлар бор. Қорамиқ деган бир жой мавжудки, у бир томондан қирғизларга, бошқа томондан эса тожикларга тегишли, қирғизларнинг Ўшидан тожикларнинг Жирғалтойигача ва у ёғи Хорогга бўлган йўлда жойлашган. Агар улар Ўзбекистонга қарши курашмоқчи бўлган мухолифатчи бўлсалар, унда нега улар ўзбек чегарасидан анча узоқ бўлган Қорамиққа уч марта ҳужум уюштирдилар? Шунинг учунки, бу Афғонистондан Хорог орқали Ўшга ўтадиган асосий наркотик ташиш йўлидир, Ўш эса Марказий Осиёдан Европага наркотик моддалар ташишнинг асосий чорраҳаси ҳисобланади, А.Акаев фақат эндигина у ерга 500 чегарачини қўйиб, бу участкани мустаҳкамлади.

Ҳўш, жангариларнинг Ўзбекистонга қарши урушмоқчи бўлганликлари тўғрисидаги фаразнинг бунга нима алоқаси бор?

У ерда чегарачилар у ёқда турсин, ҳатто Тожикистонни Қирғизистондан ажратиб турувчи бирон бир чегара устуни ҳам йўқ эди.Бу Доғистон довонлари эмаски, у жойлар денгиз сатҳидан 1, 5 километргина баланд бўлса, бу ерда эса 3,5-4,5 км. баландлик, атрофни бутунлай қалин қор босган: бомба ташла, ташлама — бирор нарсани яксон этиш мушкул, бомбалар қорга тушади, тамом... Жангарилар эса тинчгина у ёқдан-бу ёққа ўтаверадилар. Мен Қирғизистон президентига нега у ерга чегарачилар қўймаяпсиз? — деб бир неча марта айтган эдим. Балки уларнинг Тожикистон билан бир-бирларига ишонч тўғрисидаги ахдлашувлари бўлса керак, ё бўлмаса, шунчаки кучлари етмаётгандир, буни қирғиз раҳбариятидан сўраш керак.

Бугун бизга шу нарса маълумки, жангарилар Хожа Очкан дарасида 50 ўринлик касалхона ташкил этганлар. Улар у ерда ўз ярадорларини тузатадилар, керак бўлса уларни Тожикистон ичкарисига Хоит районига олиб ўтадилар. Қондиқўл деган жой бор, у ерда тожикларнинг шахта бошқармасига тегишли санаторий жойлашган. Қондиқўл орқали Қирғизистондаги босқинчи гуруҳлар қурол-яроғ, иссиқ кийимбош билан таъминланадилар, у ерга ярадорлар олиб чиқилади.

Менга аниқки, биз бомба ҳужуми уюштирганимизда , ҳамма ярадорларни у ердан Хоит, Жирғатолга ташиб ўтдилар.

Уларга ким вертолёт берганини жаноб Нурий айтсин! Яраланган таниқли жангари мулло Абдуллони қаерга олиб кетдилар, нима деб ўйлайсиз? Душанбага! Ўша ерда уни операция қилдилар.Мулла Абдулло ким ўзи, балки ўзбекдир? Йўқ, у ўнлаб бошқаларга ўхшаган, БТМнинг дала қўмондонидир. Унда нимага у ўзбек мухолифатидан, деган гап тарқатилади, сизлар ҳам уни ўйламасдан илиб оласизлар? Бу жаноб Нурийга керак эди.Яқинда матбуот анжуманини ўтказган А.Комилов (Ўзбекистон ташқи ишлар вазири) бизда мавжуд маълумотларнинг фақат юздан бирини ошкора этди. Биз бундан ҳам кўпроқ айтиб беришимиз мумкин, лекин бироз сабр қилганимиз маъқулроқ...

Чеченистон ва Доғистон чегараларида Россия амалга ошираётган операциялар каби биз ҳам Тожикистон ҳудудидаги террористлар базаларига қарши айнан ана шундай операцияларни уюштиришга тўла ҳақлимиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки: Ўзбекистон бу базаларга шундай зарба беришга тамоман ҳақлики, у ерда уни анчагача эслаб юришади, ҳатто ўз авлодларига ҳам етказишади.Бундай босқинчилик ҳужумларни биз кечирмаймиз ва биз билан ўйнашга йўл қўймаймиз.

Ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя этамиз, — деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И.Каримов.

«Жаҳон» АА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни кўрсатиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22-моддасига ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси навбатдаги III Қурултойи қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, 1999 йилнинг 5 декабрь кунига белгиланган, сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иштирок этиши таъминлансин.

2. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар, 250 та бир мандатли сайлов округлари бўйича, кўрсатилсин.

3. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, 250 та ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича, номзодлар рўйхати тасдиқлансин.

4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 22^2-моддасига биноан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлардан, уларнинг номзодларини, белгиланган сайлов округлари бўйича овозга қўйилишига розиликлари сўралсин.

5. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов зиммасига, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган, аризага имзо қўйиш ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига, қонунда белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, топшириш вазифаси юклатилсин.

6. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига биноан, зарурат бўлганда, Ўзбекистон ХДП III Қурултойининг, у ёки бу шахсни депутатликка кўрсатиш тўғрисидаги, қарорини бекор қилиш ва Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги таклиф киритиш ваколати Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасига берилсин.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг партия III Қурултойидаги якунловчи сўзи

Ҳурматли делегатлар!

Партиямизнинг навбатдаги III Қурултойи ўз ишини якунламоқда. Олдига қўйилган вазифаларни, бизнинг фикримизча, муваффақиятли бажарган анжуманимиз яна бир неча дақиқадан кейин тарих мулкига айланади.

Бироқ, унда қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар ўтмишга, кечаги кунга эмас, балки, эртанги кунга, истиқболга қаратилган. Партиямизнинг янги таҳриридаги Дастурида илгари сурилган ғоялар, белгиланган вазифаларни бажариш — бир йиллик ёки бир ҳамла билан ҳал этиладиган иш эмас. Уларни ҳаётга татбиқ этиш учун муайян вақт, бирмунча узоқ муддат керак. Энг муҳими, — ушбу вазифаларни рисоладагидек адо этиш, биздан, партиянинг ҳар бир ташкилоти, ҳар бир аъзосидан, биринчидан, Қурултойимиз намойиш этганидек, уюшқоқлик, аҳиллиқни, иккинчидан, ташаббускорлик ва фаол ҳаракатни, амалга оширилаётган туб ислоҳотларни ниҳоясига етказиш йўлида, самарали меҳнат қилишни талаб қилади.

Олдимизда турган энг жиддий ва долзарб масала — белгиланган сайловларда фаол иштирок этишдир. Уларнинг натижаси, бу — партиямиз учун нафақат сиёсий имтиҳон, балки, Қурултой ишлаб чиққан дастурий ғояларимизнинг катта синови, шунингдек, ХДПнинг барча бўғинлари учун янги ташкилий кўрик ҳамдир.

Сайловларда фаол иштирок этиб, партиямизнинг дарҳақиқат етуклигини, унинг жамият олдидаги ўз масъулиятини тўла ҳис этаётган нуфузли сиёсий куч эканлигини намойиш этиш талаб қилинади. Айни пайтда, партиямиз аъзолари сайловларда онгли равишда қатнашиш билан мамлакатимиздаги, тобора чуқурлашиб бораётган, демократик жараёнларга, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, осойишталик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, халқимиз, давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшишлари даркор. Зеро, сайловлар жамиятимизни бўлиб юбориш, одамларимизда парокандалик руҳини туғдиришга эмас, аксинча, унинг муштараклигини, якдиллигини бутун дунёга намойиш этишга хизмат қилмоғи зарур.

Шундай экан, Қурултой ишлаб чиққан сиёсатни, белгиланган вазифаларни бажаришда сафларимизда биронта ҳам иккиланувчи, ноумид, лоқайд киши бўлмаслиги керак. Чунки, ҳақиқий демократия, бу — нафақат эркинлик, фикрлар хилма хиллиги, қарашларнинг турфалиги, балки, кўпчилик иродаси билан ишлаб чиқилган ва якдиллик билан қабул қилинган қарорлар, амалдаги қонун қоидаларни бажаришдаги уюшқоқлик, қатъият ҳамда амалий ишлар бирлиги ҳамдир.

Вазият ва партиямиз зиммасига юклатилган улкан масъулият унинг Қурултойда шакллантирилган сайланма органлари — пленумда сайланадиган Марказий Кенгаш, Сиёсий ижроқўм ва Котибиятдан ҳамда ХДПнинг минтақавий ва маҳаллий кенгашлари, уларнинг ижроия бюролари, барча даражадаги котиблари, фаолларидан бугун қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ғоявий сиёсий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир сафдошимизга, бизга хайриҳоҳ фуқаролар, қолаверса, бутун аҳолига тезкорлик билан етказишни талаб қилади.

Бунинг учун бизда ҳамма зарур имкониятлар ва тегишли шарт-шароит, энг муҳими, йўлимизнинг, ишимизнинг тўғрилиги қатъий ишонч мавжуд.

Қадрли маслакдошлар! Келинг, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажаги, халқимизнинг бахт-саодати учун ўзимизнинг ақл-заковатимиз, меҳнатимиз, куч-ғайратимизни аямайлик! Яратганнинг ўзи бизга мададкор бўлсин!

«Обуна — 2000»



«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Мақсадимиз — Ватан равнақи, халқимиз бахт-саодати!

Газетамизнинг олдинги сонларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси III Қурултойининг асосий ҳужжатлари — "Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари" тўғрисидаги маъруза, Қурултойнинг ушбу масала юзасидан қарори, янги таҳрирдаги ХДП Дастури, унинг ўзгартиришлар киритилган Низоми матнларини эълон қилган эдик. Бугун газетхонлар диққатига Қурултойда сўзга чиққан қатор делегатлар нутқларини, қисқартирилган тарзда, ҳавола этмоқдамиз.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди. Кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида одамларнинг фикр-ўйлари, дунёқараши тамомила бошқача бўлаётир. Улар,эндиликда, ўз куч ва имкониятларига ишониш негизида истиқболдаги вазифаларни белгиламоқдалар, — деди ўз сўзида **Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши биринчи котиби А.Асанов.** Бунга, авваламбор, юртимизда ҳукм суриб турган тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар тотувлиги, ўлкамизда аҳил истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг бирлиги ва Ватанимиз равнақи йўлидаги фидойиларча меҳнати туфайли эришилди.

Ушбу бунёдкорлик ишларида Ўзбекистон ХДПнинг ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Партиямиз аъзолари ислоҳотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Чунки, туб ислоҳотлар сиёсати партиямизнинг дастурий мақсадларига монанд ва ҳамоҳангдир. Шу нуқтаи назардан олганда, ХДП Дастурида баён этилган кўпгина ғояларнинг мамлакатда бугунги кунда амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон ХДПнинг ажралмас таркибий қисми — Қорақалпоғистон республика ташкилоти унинг кўп қиррали фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Чунончи, партиямизнинг Орол муаммоларига доир ғояларини рўёбга чиқаришни ўзининг биринчи даражали вазифаси ҳисоблаб, тегишли тадбирларни ўтказишга киришди. Республика партия кенгаши пленумларидан бирида Орол муаммоси кўрилиб, унинг оқибатларини юмшатиш мақсадида, ўлкани кўкаламзорлаштириш ишларини кенг йўлга қўйиш, янги дарахтзорлар барпо этиш ишларида барча партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган махсус қарор қабул қилинди. Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон ХДП, "Нуроний", "Камолот" жамғармалари ҳамда касаба уюшмалари республика кенгашлари биргаликда қабул қилган мурожаатномада барча фуқаролар ўлкани кўкаламзорга айлантириш ишларида фаол иштирок этишга даъват этилдилар. Ушбу ташаббуснинг аҳоли турли табақалари томонидан қўллаб-қувватланганлиги натижасида кўплаб янги дарахтзорлар бунёд этилди, кўкаламзорлар майдони кенгайди, ободончилик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари кенг қулоч ёзди.

Қорақалпоғистон республика партия ташкилотининг раҳбари, шунингдек, Қурултойга тақдим этилган янги таҳрирдаги ХДПнинг Дастури лойиҳаси масалалари ва хорижий таълим масканларида ўқитиш тўғрисидаги ғоя давлатимиз таълим сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Биргина Навоий вилоятида иқтидорли болалар учун 10 та лицей ва 10 та гимназия ташкил этилди. Таълим тўғрисидаги Қонун ва республика ҳукуматининг шу борадаги қарорлари асосида ҳунар-техника таълими тизими қайта шакллантирилмоқда. Қурувчиларимиз шу йилнинг ўзида 4 та касб-ҳунар коллежи биносини ёшларга тақдим этдилар.

Ўқув юртларида ўқитиш бўйича янги дастурлар жорий этилмоқда, маънавият ва маърифат дарслари ўтилмоқда, ёшларга иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар асослари берилмоқда, давлатимиз раҳбарининг асарлари ўрганилмоқда. Бу ишларда маориф тизимида меҳнат қилаётган икки ярим мингдан ортиқ партиядошларимизнинг салмоқли ҳиссаси бор. Уларнинг ташаббуси ва иштирокида педагоглар учун "Акс садо" туркумидаги давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар, турли семинар ҳамда анжуманлар ташкил этилмоқда. Сафдошларимиз партиямиз ва давлатимиз сиёсатини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ҳозир улар сайловолди ташвиқот ишларини олиб боришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Бутун партиямиздек, бизнинг ташкилотимиз ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзининг ўрнини топиб олди,— деди **Фарғона шаҳар партия кенгаши котиби Л.Денисова.** Ҳозирги кунга келиб шаҳарда 102 та ХДП бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатиб, улар икки мингдан зиёд сафдошларимизни бирлаштирмоқда. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида меҳнат қилаётган партия аъзолари ранг-баранг муаммолар билан тўқнаш келиб, уларни дастурий мақсадларимиз ўзанларида ҳал этишда ХДП аъзолари бўлган раҳбарлар ва партиядан сайланган депутатларга таянмоқдалар.

Кейинги пайтларда ХДП сафларига кираётган ёшлар сони кўпаяётганини ҳисобга олиб, улар билан ишлашга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Шу йўналишда шаҳар партия кенгаши ҳузурида "Ёш партия аъзоси мактаби" ташкил этилиб, унга 30 ёшгача бўлган ХДП аъзолари жалб қилинмоқдалар. Мактаб тингловчилари ўз навбатида ёш фуқаролар ўртасида иш олиб боришда кўмаклашмоқдалар.

Айни пайтда, аҳолининг бошқа табақалари орасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини сусайтирганимиз йўқ. Шу туфайли партиямиз ғоялари билан яқиндан танишган фуқаролар сафларимизга киришни ихтиёр этмоқдалар. Мисол учун, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари бўлган аёлларни бирлаштирувчи жамоат ташкилоти — "Жангчи дугоналар" клуби барча аъзоларининг бир йўла ХДП сафига кирганликларини кўрсатиш мумкин.

Биз олимлар, фахрийлар, ёшларга таяниб, одамларга партимизнинг дастурий ғоялари, ислоҳотлар ҳозирги босқичининг моҳияти ва вазифаларини тушунтирмоқдамиз, барчи иқтисодий, ижтимоий, маънавий янгиланиш дастурларини рўёбга чиқаришга даъват этмоқдамиз.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби С.Раҳимов ўз сўзида вилоят партия ташкилотининг тавсифини берди. Ҳозир бу ерда, вилоят партия кенгашидан ташқари, 4 та шаҳар ва 14 та туман, 1218 та бошланғич (шундан 412 та ҳудудий) ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар 43 мингдан ортиқ ХДП аъзоларини бирлаштириб турибдилар.

Вилоятда амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари — иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, маънавий янгиланиш ишларини бундай уюшган кучларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Дарҳақиқат, сафдошларимиз бўлаётган ўзгаришларнинг кузатувчилари, томошабини эмас, балки уларнинг фаол иштирокчилари сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг етакчи корхонаси — "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг ўзида 100 дан ортиқ ХДП аъзоси ҳормайтолмай меҳнат қилмоқда. Бошқа саноат корхоналарида ҳам уларнинг сони анча.

Қишлоқда фермер ва деҳқон хўжаликларининг сони йилдан-йилга кўпайиб, ишлаб чиқаришда уларнинг салмоғи ошиб боришида ҳам партиямиз аъзоларининг ҳиссаси катта. Ҳозирга келиб сони 2000 тадан ошган шундай хўжаликлар раҳбарларининг аксариятини ХДП аъзолари ташкил этади. Биз Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Шаҳрихон туманидаги "Олтин водий" жамоа хўжалиги ғаллачилик бригадаси бошлиғи, партия аъзоси Содиқжон ака Абдурасулов билан ҳақли равишда фахрланамиз, у кишини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатамиз. Илғорларнинг тажрибаси биз мунтазам уюштираётган иқтисодий семинарларда катта ўрин эгалламоқда.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг саккиз йиллик фаолиятида, — деди Қурултойда **"Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Азим Суюн,** ривожланган давлатлардаги мавжуд турдош партияларнинг иш тажрибасини халқимизнинг миллий анъаналарига уйғунлаштириб, босиқлик, вазминлик билан ўзининг дастурий вазифаларини амалга оширмоқда. Демократик жамиятни барпо этиш, ҳуқуқий давлатни қуриш ҳукуматимизнинг бош ғоясидир. Барча партияларнинг бош ғояси эса, аввало, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, унинг пойдеворини, иморатини мустаҳкам қуриш, аҳоли салоҳиятини, маънавиятини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишдир. Бош ғоя барча партияларни бирлаштириб турувчи куч. Биз бундан саккиз йил аввал буни англаб етганмиз. Шубҳа қилгувчилар партиямиз Дастурини бир карра ўқиб чиқишса, улар ҳам англаб етадилар.

Нотиқ мамлакатимизда бўлажак сайловлар масаласига тўхталиб, сайловлар фақатгина халқимиздан чиққан бир гуруҳ депутатларни Олий Мажлисга тўплаб қўйиш эмас, аввало, жамиятимизда инсон заковатининг тараққиётига эришиш, қолаверса, ҳар бир дақиқада бизни зийраклик билан кузатаётган дунё сиёсатдонларининг фикру ўйларини адолатга қаратишдир, деди. Бизнинг ютуқларимиз, давом этди у, кимнидир қувонтирса, кимнингдир ҳасадини қўзғаши табиий. Ҳасадгўйлар тирноқ остидан кир қидириб, бизнинг хато қилишимизни кутиб яшайдилар. Шунинг учун ҳам якдиллик асосий вазифадир. Миллатнинг бирлиги Ватан қудратини яратади. Ватан қудрати эса давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, истиқболимизнинг муқаррарлигини, келажакнинг буюклигини таъминлайди. Мен ишонаман, эртага миллатидан қатъий назар ҳар бир фуқаро: Мен ўзбекистонликман! — дея фахрланади, ғурурланади. Миллатнинг бирлиги жуда зарур! Чунки миллатнинг бир бутунлиги бўлмаган жойда Ватан тарқоқлиги бошланади. Тарқоқ Ватанда осойишталик, барқарорлик, ҳаловат бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мавжуд барча партияларнинг яна бир бош ғояси Ватан, миллат бирлигини таъминлашдир.

Шундан сўнг Бош муҳаррир делегатлар диққатини сайловларга пухта ҳозирланиш, уларни юксак савияда ўтказиш, фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига тортди. Партия ташкилотлари етакчиларини сафдошларимизни мамлакат ва дунё янгиликларидан мунтазам хабардор этиб турувчи, партия раҳбар органларининг қарорларини уларга тезкорлик билан етказувчи, уларнинг сиёсий савиясини оширишга кўмакдош "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари ҳамда "Мулоқот" журналига 2000 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказишга чақирди. Партия нашрларига обуна бўлмаган сафдошимиз унинг сиёсати, амалий ишлари, ҳаётини билмаслиги тайин. Партия ғоялари билан қизиқмаган, эртанги кунда қилинадиган ишлар нималардан иборатлигини билмаган партия аъзосини фаол киши, деб бўладими? Бу масалага жиддийроқ эътибор бериш керак. Бизга шунчаки, йўл-йўлакай эргашиб бораётган кишилар эмас, онгли равишда сафимизга қўшилган аъзолар керак!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов Қурултой минбаридан шундай деди: Авваламбор, делегат сифатида Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг маърузасини қўллаб-қувватлайман ва сизларни ҳам шунга чақираман. Мен уни тинглаб шундай хулосага келдимки, баъзан қилинаётган ишни кўрсата билиш ҳам катта санъат экан. Кўп ишлар қилинган, лекин уларнинг барчаси халққа, бутун мамлакатга ташвиқот орқали, матбуот орқали етиб борган, дея олмаймиз. Шунинг учун газетамизга обунани яхшиламоқчи, унинг тиражини оширмоқчи бўлсак, уларнинг саҳифаларида партиянинг ишларини янада кенгроқ ёритишга эътибор беришимиз керак.

Мамлакатимизда турли сиёсий партиялар иштирокида, қанча-қанча бунёдкорлик ишлари бўлаётганини кўриб турибмиз. Ўзбекистонимиз улкан қурилиш майдонига айланган. Мен яқинда Фарғона водийсидан қайтаётиб, Қамчиқ довонида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ўз кўзим билан кўриб келдим. Бизни қувонтирадиган нарса шуки, ишлар шу қадар кўп бўлган маҳалда ҳам давлатимиз болаларга ҳам, оналарга ҳам, маънавиятга ҳам, ташқи сиёсатга ҳам етарли эътибор бермоқда.

Афсуслар бўлсинки, атрофимизда фақат дўстлар бор, деб айта олмаймиз. Ютуқларимизни кўра олмаётган ҳасадгўйлар тиқилиб ётибди. Бир шоир одамгаки 99та душман бўлар экан, бир давлатга нечта душман бўлади? Модомики, битта одамнинг ғаними инсонлар экан, демак, давлатнинг ҳам ғаними лари давлатлар бўлади. Улар уйқу бермайди, қитиқлаб, найза санчиб туради. Бизнинг бахтимизга Оллоҳ таоло бутун жаҳон кўриб турган йўлбошчини юборди.

Нотиқ мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган сиёсий партияларнинг ўзаро муносабатлари, ўзаро баҳс-мунозаларда кўтарилаётган масалалар тўғрисида гапириб, қуйидаги фикрни илгари сурди: бизнинг партияга қарата баъзан "сизда аъзолар сони кўп, бизда эса сон кўп бўлмаса ҳам сифати зўр" дейишади. Лекин, қайси серфарзанд оила менинг фарзандим кўп, деб хижолат тортади? Бундай бўлиши ҳеч ҳам мумкин эмас. Шунинг учун сафимиз қанчалик кенг, партиядошларимиз сони қанча кўп бўлса, шунча яхши. Ўнта бўлса ўрни, қирқта бўлса қилиғи бўлак, дейди халқимиз. Ҳар бир партия аъзоси ишлайман деса, иш топилади.

Абдулла Орипов, шунингдек, маданий-маърифий, тарғибий-ташвиқий ишларда партия ташкилотлари билан шу соҳада фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмалари, жумладан, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорлик қилишга, куч ва имкониятларни бирлаштиришга, тажрибада синалган шакл ва воситалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш тўғрисида таклиф киритди. Келаётган аср, келаётган минг йиллик, деди у сўзининг ниҳоясида, маънавият асри бўлиши табиий. Ҳозиргача инсоният мақтаниб келган қуроллароғларнинг, энди одамлар онгига таъсир қила олмаслиги маълум бўлди. Қуроллар ҳимоя учун балким керакдир, лекин, кишиларнинг онгини қурол билан ҳимоя қилиб бўлмас экан. Шундоқ экан, дўстни ҳам, душманни ҳам фақат мияси орқали таниб олишимиз мумкин ва шарт.

— Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган партиямиз аъзолари,— деди ўз сўзида **Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби Р.Ҳамроқулов,** — туб иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштиришга жиддий ҳисса қўшмоқдалар. Қабул қилинаётган янги таҳрирдаги партия Дастурида ислоҳотларни изчил давом эттириш, янги мулкчилик муносабатларини шакллантириш масалаларига катта ўрин берилгани ҳам бежиз эмас. Чунки, ўзининг мустаҳкам иқтисодий замини ва ижтимоий таянчига эга бўлмаган ҳар қандай давлат ҳақиқий мустақилликка, барқарорликка эриша олмайди. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг, ҳуқуқий давлат, адолатли жамиятни бунёд этишнинг таг-замини миллий иқтисодиёт, мустаҳкам таянчи мулк соҳиблари, мулкдорлар синфидир.

Шулардан келиб чиқиб, вилоят партия ташкилоти ихтиёридаги барча имконият ва воситалар билан мулкдорларни, тадбиркору ишбилармонларни қўллаб-қувватламоқда, янги мулкий муносабатларни тарғиб этмоқда. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишлаётган партиямиз аъзоларига алоҳида эътибор берилмоқда, уларни аҳолининг мададталаб гуруҳларига ижтимоий кўмакка ундамоқда. Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган "Умар", "Ориён", "Субҳидам", "Рисола", "Тохири" каби қатор фирмаларда мингдан ортиқ сафдошларимиз ишламоқдалар. Уларнинг иштирокида кўплаб савдо ва маиший хизмат мажмуалари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиб, маҳсулот бера бошлади. Жумладан, ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши аъзоси, вилоят Кенгаши депутатлигига номзод Ф.Зиёев томонидан ташкил этилган "Ориён-Унитрайдинг" қўшма корхонаси таркибида савдо дўконлари, дорихона, нонвойхона, сартарошхона, гўзаллик салони фаолият кўрсатмоқда. Биргина шу фирманинг раҳбарияти кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз нафақадорларга 3,5 миллион сўмлик хайр-эҳсон кўрсатди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундай тадбиркорларнинг партия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши, улардан энг муносибларини ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортиш бўлаяпти. Жорий сайловлар муносабати билан биз 100 дан ортиқ тадбиркорлар номзодини вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлигига таклиф этдик. Партия фаоллари, сайланма органлари аъзолари орасида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланувчилар оз эмас.

Биз мулк эгаларининг, бизнесмен ва тадбиркорларнинг ибратли ишларини ўзимизнинг "Регистон" газетаси ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишни ҳам йўлга қўйганмиз.

— Ташкил топганига саккиз йил тўлаётган партиямиз,—деди **Қурултой делегати, "Намангантекстиль" акциядорлик жамияти раиси А.Убайдуллаев,** сиёсат майдонидан ўз ўрнини топди. Шу давр мобайнида у иссиқ-совуқни кўрди, синовлардан ўтди, ўзининг Дастурида белгилаган вазифаларни бажариш учун курашди. Унинг барча ишларида саноатчи партиядошларимизнинг салмоқли ҳиссаси бор. Вилоятимизнинг деярли барча саноат корхоналарида ХДП бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, бизнинг корхонада 610 нафар ишчи-хизматчилар ўз орзу-умидларини партиямиз сиёсати билан боғлаган. Уларнинг бевосита иштироки, кўп ҳолларда ташаббуси билан, жамоамиз ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, одамларда самарали меҳнат қилиш учун интилиш кучайишига эришмоқда. Бунинг асосида меҳнатчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш, уларга қўшимча имтиёз ва моддий ҳамда маданий ёрдам кўрсатишга имконият туғилмоқда. Ҳозирнинг ўзида бизда арзонлаштирилган нархларда савдо қилувчи дўкон, ошхона, чойхоналар, тиббиёт ҳамда болаларни соғломлаштириш масканлари, боғчалар, маданият саройи, миллий маросимлар ва дам олиш уйлари, бошқа маданий-маърифий таянч нуқталари ишлаб турибди. Нафақага ва меҳнат таътилига чиқаётганларга қўшимча ҳақ тўлаш, хотин-қизларга турли имтиёз ва енгилликлар бериш йўлга қўйилган.

Албатта, ишимизда камчилик ва қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзида, ишлаб чиқариш муаммолари билан овора бўлиб, партиявий масалаларга етарли эътибор бермаган пайтлар ҳам бўлган. Эндиликда бу ва бошқа камчиликларни бартараф этмасак бўлмайди, чунки бизни олдинда яна бир жиддий синов — сайловлар кутаяпти. Унда ҳар бир депутатлик мандати учун қизғин кураш бўлиши муқаррар. Бу биздан одамлар орасида ишлашни яхшилашни, бугун қабул қиладиган Дастуримиз ғояларини уларга ҳар томонлама тушунтиришни талаб қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, янги таҳрирдаги Дастуримиз лойиҳасини қўллаб-қувватлайман. Чунки, унда замон талабларига мос янги қоидалар, янги вазифалар қўйилган. Уларни бажариш ташкилотимиз обрўйини оширади, партиямизнинг мавқеини мустаҳкамлайди.

Бухоро шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р.Козимова ўз сўзида, асосан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиришларга тўхталиб, уларни маъқуллаш билан бирга, айрим қўшимчалар билан тўлдиришни таклиф этди. Нотиқ, шунингдек, шаҳар партия ташкилотининг кўп миллатли аҳоли ўртасида дўстлик ва биродарлик ғояларини тарғиб қилиш соҳасида олиб бораётган ишлари, чунончи, миллий-маданий марказлар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги тўғрисида гапирди.

— **Шовот тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти** Ўзбекистон ХДПдаги қарийб 15 мингтача шундай ташкилотларнинг бири,— деди мазкур **БПТ котиби Б.Матёқубов.** — Жамоада меҳнат қилаётган партиядошларимизнинг умумий сони 54 нафардан ошди. Бу барча ишчи ва хизматчиларнинг 10 фоизидан кўпроқдир.

Бошланғич ташкилотимиз ўз фаолиятида, биринчи навбатда, меҳнаткашлар орасида ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришга эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда ўзимизда ташкил этилган маънавият ва маърифат марказидан фойдаланаяпиз. Унда турли сиёсий адабиётлар, газета ва журналлар, "Маънавият — қалб кўзгуси", "Партиямиз олиб бораётган халқчил сиёсат", "Депутат бурчаги", "Сайловчиларга ёрдам" ва бошқа кўргазмали бурчаклар мавжуд, турли тадбирлар: суҳбат, маъруза, учрашувлар ўтказиб турилади.

Бу ишларда биз "Нуроний", "Камолот", "Маҳалла" ва бошқа жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаяпмиз, кўпгина тадбирларни биргаликда ўтказмоқдамиз.

Ташкилотимиз диққат-марказида турган яна бир муҳим масала, бу — ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитларда ходимларга қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатишни таъминлашдир. Партиямиз аъзолари бўлган маъмурият масъул ходимлари ушбу масаланинг нақадар муҳимлигини тушунган ҳолда, у билан кунда шуғулланмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва ташкилотимизнинг қўллаб-қувватлаши натижасида ҳиссадорлик жамиятимиз ҳузурида 5 та кичик корхона ва 34 га. майдонда ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, 70дан зиёд янги иш ўринлари очилди.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиб, унинг самарадорлиги ошиши, ишчи-хизматчилар ва уларнинг болалари учун соғломлаштириш ва спорт мажмуи, замонавий ҳаммомлар, болалар боғчаларини сақлаб туриш, бепул нонушта, тушлик ва кечки овқатлар билан таъминлашга имконият бермоқда. Биз барча ходимларга ушбу неъмат ва имтиёзларнинг иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, аҳил меҳнат қилиш самараси эканлигини тушунтирмоқдамиз. Мен ташкилотимиз аъзолари номидан партиямизнинг бўлажак сайловларда иштирок этишини маъқуллайман ва номзодларимизнинг уларда ғалаба қозонишига ишонаман.

Мустақиллик муштараклигига ёшлар камарбаста

(Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Қурбонали Эргашев билан мулоқот)

Суҳбатдошимиз хусусида: Қурбонали Эргашев 1951 йилда Навбаҳор туманидаги Навбаҳор жамоа хўжалигида туғилган. 1972 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатган. Дастлабки меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. 1977-86 йиллар давомида мактаб директори ўринбосари, директор бўлиб ишлаган. Узоқ йиллар туман халқ таълими бўлими мудири вазифасида ва туман ҳокими муовини сифатида фаолият кўрсатган. 1998 йилдан бошлаб вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғидир. Оилалик. 7 фарзанди бор.

— Қурбонали Жўраевич, таълим тизимининг масъул ходими бўлганингиз учун ҳам дастлабки саволни бевосита шу соҳадаги янгиланиш жараёнларидан бошласак. Бугун вилоятда ҳам республикадаги каби ўқиш ва ўқитиш ишлари мустақиллигимиз муштараклигига асосланганми?

— Юртбошимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» яратилди. Қисқа давр ичида бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Собиқ империя даврида таълим тизими фақат бир қолипда, фақат бир йўналишда эди, холос. Шу боис халқ таълимида янгиликлар, ўзига хос ташаббус ва ташкилотчилик сезилмасди. Энди бўлса, билимга чанқоқ Ўзбекистон ёшлари жаҳоннинг турли минтақасидаги энг нуфузли давлатларда таълим-тарбия олмоқда. Бунга мисол қилиб: Америка, Англия, Франция, Германия ва бошқа ўнлаб хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган кўплаб ўзбекистонлик фидойи ёшларни кўрсатиш мумкин. Мана сизга, мустақилликнинг буюк неъмати, мана сизга таълим ва кадрлар тайёрлашнинг жаҳон даражасидаги андозаси. Бир сўз билан айтганда, таълим тизимидаги Ўзбекистон модели бутун халқаро ҳамжамиятда юқори баҳоланди ва XX асрнинг муҳим воқеаси сифатида тан олинди.

Халқ таълими муассасалари республика ҳукуматининг узлуксиз таълим тизимини зарур ва замонавий дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш, умумий ўрта таълимни ташкил этиш, давлат таълим стандартларини жорий этиш каби қарорларни изчил амалга ошириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. 1998-99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли, «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини синовдан ўтказиш бўйича 27 та синов тажриба майдонлари фаолият кўрсатди. Янги 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълимни давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳам ишимизда асосий дастуриламал бўлди. Шу ўқув йилидан бошлаб 5-6 синфлардан дарслар давлат таълим стандартлари қоидалари асосида ўтказилмоқда. Шунингдек, ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тажриба тарифасида ўтказиш мақсадида Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактаб, Қизилтепа туманидаги 5-мактаб республика синов-тажриба майдончалари рўйхатига киритилди.

— Энди вилоят мактабларидаги шарт-шароит, ўқувчиларнинг зарур ўқув дарсликлар ва

Ислоҳот ва масъулият

қўлланмалари билан таъминланиши хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Вилоят бўйича 385 та умумтаълим мактаблари, 305 та мактабгача тарбия муассасалари бўлиб, уларнинг айтарли ҳаммаси замонавий андозада қурилган. Биргина ўтган икки йилнинг ўзида 8 та мактаб янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунга мисол қилиб, Навбаҳор, Хатирчи, Қизилтепа, Навоий туманларидаги янги мактабларни кўрсатиш мумкин. Худди шундай Янгитомди, Учқудуқ туманлари ва Зарафшон шаҳрида кўпқаватли замонавий мактаблар қурилиши жадал давом этяпти. Шунингдек, вилоятда 20 та лицейлар бўлиб, уларнинг ўнтаси мактаб-гимназияларидир. Ўтган ўқув йилида жами умумтаълим мактабларини 10 минг 440 нафар ўқувчи ёшлар битириб чиқишди. Шундан 2745 нафар ўқувчи олий ўқув юртларига, 2163 нафари эса ўрта махсус билим юртларига тест синовлари асосида давлат грантлари ва шартномалар асосида қабул қилинди. Бу олдингига нисбатан ўн фоиз кўп демакдир. Мана сизга таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бугунги манзараси?

Энди ўқувчи ёшларнинг мустақиллик йилларига мансуб такомиллашган ва миллий дарсликлар билан мунтазам таъминланиши масалаларига келсак, бу ўринда оталиқ ва хомий ташкилотларнинг ўрни беқиёсдир. Хомийлар ташаббуси ва ташкилотчилиги туфайли ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 6 миллион 300 минг сўмлик турли дарсликлар сотиб олиб берилди. Бу хайрли ишда Навоий кон металлургия комбинати, (бош директори Н. Кучерский), «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик қўшма корхонаси (бош директори Ў. Рўзиқулов), Нурота туман ҳокимлиги, вилоят «Наврўз» ҳайрия жамғармаси, Конимех туманидаги «Сарбел» жамоа хўжаликларини кўрсатиш мумкин.

— Педагогик тажриба орттириш, ўз устида тинмай ишлаш, таълим тизими соҳаси ходимлари учун ниҳоятда зарур. Шундай экан энди ўқитувчилар масалаларига ҳам ёндошсангиз?

— Ҳа, доимий изланиш, тажриба ўрганиш мураббий-устозлар масъулиятига амал қилиш муаллимни «чарҳлайди». Мустақиллик шарофати билан 6 нафар ўқитувчи Франция, Германия сингари ривожланган мамлакатларда педагогик тажриба орттириб қайтишди. Хорижда малака оширишни бундан кейин ҳам муттасил ривожлантирамиз. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ҳамда вилоятимиздаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари билан ҳам қатъий ҳамкорликка эгамиз. Нафақат малака ва тажриба орттириш, балки, мактабларда ташаббусларни оммалаштиришга ҳам кенг ёндошяпмиз. Ана шундай ўзига хос тажрибага эга, янгиликка ўч, ташаббус ва ташкилотчиликка мойил педагогларимиз жуда кўпки, ўтган тўрт йил давомида 130 га яқин халқ таълими ходимлари ҳукуматимизнинг у ёки бу фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлишди.

— Суҳбатимиз сўнггида ўз устоз ва шогирдларингиз хусусида ҳам қисқача фикр юритсангиз?

— Устоз кўрмаган шогирдни сувсиз қуриб—қовжираган дарахтга қиёслайман. Мени таълим-тарбия соҳасига етаклаган, бирдан бир инсон бу — ўқитувчи Бердимурод Каримовдир. Шунингдек, таниқли инсонлар жонкуяр кадрлар Искандар Раҳимов, Носир Латиповларни ҳам ўз ўрнида устоз ва мураббий деб биламан. Севимли шогирдларим издошларим масаласига келсак улар жуда кўп. Ўрта мактабни битириб ўз билими ва кучи билан олий ўқув юртига кирган талабалар менга ҳақиқий шогирддир. Бироқ, чинакам шогирд деганда, мен Турсун Олимов, Эргаш Ҳамидов, Йўлдош Жумаевларни тушунаман. Улар ҳам мен каби эл хизматида, эл ташвишида.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Музаффар ШАРОПОВ суҳбатлашди.

Етук кадр — истиқбол таянчи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тест маркази таркибида Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 11 мартдаги қарорини ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг давлат аттестацияси тўғрисида, узлуксиз таълим тизимидаги педагог кадрларнинг Давлат аттестацияси ҳамда таълим муассасалари раҳбарларининг давлат аттестацияси тўғрисида низомлар ишлаб чиқилган эди. Мазкур низомлар асосида илк ҳаракатлар амалга оширилди.

Нукус, Қарши ва Термиз давлат университетлари ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт ва Нукус давлат педагогика институтлари давлат аттестациясидан ўтказилди. Тадбиркорлик, халқаро бизнес, янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедралари ташкил қилинганлиги қувончли. Бироқ талабаларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ўртача, баъзиси қониқарсиз эканлиги етук кадрлар тайёрлашда ечилиши шарт бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Техникага суянган асримизда кадрларнинг компьютер тармоғини мукаммал ўзлаштиришлари лозимлиги кўринади. Лекин талабга кўра республикада ҳар 20 талабага 1 та компьютер тўғри келиши айтилса-да, Қарши давлат университетида ҳар 45 талабага 1 та компьютер, Термиз давлат университетида эса ҳар 34 талабага 1 та компьютер, Нукус педагогика институтида ҳар 89 талабага 1 та компьютер тўғри келмоқда.

Юртбошимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобида: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш заруриятн туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга, яна кадрларга тақалаверади» — деб ёзган эди. Давлат аттестациясидан ўтказиш пайтида кадрлар тайёрлашнинг сифатига эътибор қилиниши билан бирга ана шу омилга бевосита таъсир қилувчи соҳалар ҳам ўрганилди. Аттестация бир марталик бўлмай, доимий жараёндир. Соҳаларнинг фаолияти мониторинг тизими орқали кузатилади. Ошкораликка асосланганлиги сабабли натижалар бутун жамоага маълум қилинади.

Белгиланган мезонларга кўра, олий ўқув юртларининг фаолиятлари бўйича рейтинг бали 2500 қилиб белгиланди, талабаларнинг билим даражасини аниқлашни 700 балл ташкил қилди. Шунингдек, давр талабидан келиб чиққан ҳолда «Талабаларнинг мустақил ишлари», «Маънавий ва маърифий ишлар», «Ишлаб чиқариш билан интеграция», «Халқаро ҳамкорлик» каби қўшимча фаолиятлари ҳам назардан ўтказилди. Олий ўқув юртларининг давлат аттестациясидан ўтиш баллари эса 1650, яъни 66 фоиздан юқори қилиб белгиланди ва давлат аттестациясига тавсия этилди. Балл 66 фоизгача тўпланганда олий ўқув юртлари шартли ўтган дейилди ва уларнинг ўзлаштириш даражаси назоратга олинди. 1375, яъни 55 фоиздан паст тўплаганлар ўтмаганлар сафидан жой оладиган бўлишди. Давлат аттестация низомига кўра, ўтмаганларнинг мақоми пасайтирилади ёки фаолияти тўхтатилади.

Ҳозирча республикамиздаги 32 олий ўқув юртидан 20 таси аттестациядан ўтган ҳисобланди, 12 олий ўқув юрти эса шартли ўтишди.

Шу каби ва бошқа маълумотларни сиз яқинда чоп этилган Давлат тест марказининг 1 сонли бюллетенидан олишингиз мумкин. Мазкур ахборотнома кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан тайёрланган.

Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БМТнинг Афғонистон бўйича резолюцияси

Ўтган жума куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон бўйича резолюция қабул қилди.

Унда «Толибон» ҳаракатидан халқаро террорчи Бен Ладенни топшириш талаб қилинган. Акс холда, дейилади резолюцияда, толибларга қарши БМТнинг қатъий санкциялари қўлланилади.

Қабул қилинган резолюцияга кўра толибларга биринчи рақамли террорчини Америка одил судига топшириш учун бир ой муддат берилган. Бен Ладен АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарида ўтган йили содир этилган террорчилик ҳаракатларини ташкил этишда шубҳаланмоқда. Ушбу террорчилик ҳаракатлари оқибатида 225киши ҳалок бўлган, 4 мингдан ортиқ киши эса жароҳат олган эди. Мазкур қўпорувчилик содир этилгандан сўнг АҚШ Бен Ладеннинг Афғонистондаги базаларига ракета зарбалари берди. АҚШ Давлат департаменти Бен Ладенни қўлга олишга ёрдам берадиган маълумот учун беш миллион доллар миқдорида мукофот эълон қилган эди. Шу билан бирга Вашингтон «Ариана» афғон миллий авиакомпаниясининг ҳисоб рақамларини ёпиб қўйган ва Афғонистон билан савдо-сотиқ қилишни ҳамда толибон ҳаракати назоратидаги ҳудудларга Америка компаниялари томонидан сармоя киритилишини таъқиқлаган эди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича резолюция бир овоздан қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ Афғонистон Бен Ладенни 14 ноябргача топширмаса, БМТ «Толибон» ҳаракатининг хорижий банклардаги ҳисоб рақамларини ёпиб қўяди ва Қобулга барча халқаро авиақатновлар бутунлай тўхтатилади. Хавфсизлик Кенгаши толиблардан халқаро террорчиларнинг машқ лагерларини Афғонистон ҳудудида жойлаштиришдан воз кечишни талаб қилди. БМТдаги дипломатлар Афғонистон бўйича резолюция ўз вақтида, яъни халқаро терроризм авжига чиққан бир пайтда қабул қилинди, деб ҳисоблашмоқда.

«ИНТЕРНЕТ» хабарлари асосида

Сеул.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Қотиллар қидирилмоқда

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг тарқатган хабарига кўра, 16 октябр куни кечаси Тожикистондаги Россия Федерацияси чегара қўшинлари гуруҳи подполковниги Михаил Зуев номаълум кишилар томонидан отиб ўлдирилган. Ҳарбий мутахассисларнинг фикрича, мазкур қотиллик буюртмали характерга эга. М.Зуев икки нафар фуқаро кийимидаги шахс томонидан тўппонча билан отилган. Айни пайтда, тезкор жиноий гуруҳ томонидан мазкур қотиллик юзасидан қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Кредит ажратилди

Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти жаҳоннинг 135 мамлакатида, жумладан, Қозоғистонда ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатаяпти, деб ёзади "КазААГ" ахборот агентлиги мухбири. Мазкур жамият Қозоғистонда ўз фаолиятини 1992 йилда бошлаган эди. Яқинда Германия техник ҳамкорлик жамияти Қозоғистон иқтисоди ривожи учун 200 миллион немис маркаси миқдорида кредит ажратган. Маблағ мамлакат молия тизимини такомиллаштириш учун сарфланади.

XX асрда... очарчилик

«Очарчиликка қарши ҳаракат» халқаро инсонпарварлик ташкилоти маълумотига қараганда, ҳозир дунёда 800 миллион киши очликдан азият чекмоқда. Бунинг оқибатида эса йилига 30 миллион киши нобуд бўлмоқда.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, айниқса Африка қитъаси мамлакатларида очлик хуружи кучли. Сомали, Сеьра-Леоне, Судан, Ангола, Эфиопия ва Брундидаги вазият аянчли аҳволда.

Осиёнинг Жануби-шарқий минтақаси мамлакатларида содир бўлган молиявий инқироз ҳам айрим давлатларда озиқ-овқат тақчиллиги муаммосини келтириб чиқарди. Индонезияда ҳозир 80 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқат ейиш имкониятига эга эмас. Тожикистоннинг бир неча туманлари ҳамда Абхазияда ҳам шундай вазиятни кузатиш мумкин.

(ЎзА)

«Ғхори-3» — синовга қўйилади

Покистон ҳарбийлари «Ғхори-3» русумли янги ракетани синовдан ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Янги ракета жорий йилнинг апрель ойида синовдан ўтказилган «Ғхори-2» баллистик ракетасининг такомиллаштирилган авлоди бўлиб, у уч минг километр узоқликка учиш имконига эга. Синовни келаси йилнинг январь ойида ўтказиш режалаштирилган.

Маълумотларга қараганда, мамлакатнинг собиқ Бош вазири Навоз Шариф даврида ушбу ракетани синовдан ўтказишга қарор қилинган. Айни пайтда ҳокимият тепасига келган ҳарбий ҳукумат ҳам ҳозирча бу қарорга ўзгартириш киритиш ниятида эмас.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

Республика Кўчмас мулк биржаси томонидан 1996 йил 11 мартда Зудин Владимир Юрьевич номига берилган 2-сонли, Мухамеджонова Мукаррам Аскаровна номига берилган 5-сонли, Игамбердиев Рихситилла Рахмонбердиевич номига берилган 35-сонли гувоҳномалар **БЕКОР ҚИЛИНГАНЛИГИ** сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

ВНИМАНИЕ: АУКЦИОН!

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 1 ноября 1999 года в 11 часов аукционные торги.

НА ТОРГИ ВЫСТАВЛЯЮТСЯ:

реализация права на заключение договора долгосрочной аренды земельных участков под строительство объектов торговли и бытового обслуживания в г. Ташкенте:

1. земельный участок, расположенный в Мирабадском районе на пересечении улиц Нукусская и Афросиаб, площадь земельного участка 0,16 га, стартовая цена 912025 сумов.

2. земельный участок, расположенный в Чиланзарском районе по ул.Катартал, площадь земельного участка 0,16 га, стартовая цена 635225 сумов.

По всем вопросам о порядке и условиям участия в аукционных торгах обращаться по адресу: Г. Ташкент, ул. А. Кадыри, дом 13, ком.1. Телефоны для справок: 144-51-74, 144-56-72, 144-43-77.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 19 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	88,71
1 Австрия шиллинги	10,76
1 Англия фунт стерлинги	227,56
10 Бельгия франки	36,71
1 Голландия гульдени	67,21
10 Греция драхмаси	4,50
1 Дания кронаси	19,94
1 БАА дирхами	37,21
1 АҚШ доллари	136,65
1 Миср фунти	40,07
10 Испания песети	8,90
100 Италия лираси	7,65
1 Канада доллари	92,19
1 Хитой юани	16,51
10 Люксембург франки	36,71
1 Малайзия ринггити	35,96
1 Германия маркаси	75,72
1 Польша злотийси	33,56
1 СДР	189,75
1000 Туркия лираси	0,29
1 Финляндия маркаси	24,91
1 Франция франки	22,58
1 Швейцария франки	93,31
1 ЕВРО	148,10
10 Жанубий Корея вони	1,13
10 Япония иенаси	12,86
1 Россия рубли	5,30
1 Украина гривнаси	30,68

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«Пахта—99»

Даромадга қараб буромад

Бу йилги пахта мавсумида Тошкент вилоятининг барча хўжаликларида мўл ҳосил етиштирилди.

Айни пайтда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Иш оилавий пудрат асосида ташкил этилганлиги, пахтакорлар билан ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширилаётганлиги туфайли йиллик шартномавий режани бажараётганлар сони кундан-кунга ортмоқда.

— Вилоят бўйича кунига 3 фоиздан ортиқ пахта топширилаяпти, — дейди ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг вилоят бошқаруви раиси Маҳмуджон Шукуралиев. — Бу йилги йиғим-терим мавсумига банкимиз томонидан 1 миллиард 863 миллион сўм ажратилган бўлиб, шундан 1999 йилнинг 25 сентябридан 10 октябригача бўлган давр учун 1 миллиард 142 миллион сўм пахтакорларга тарқатилди. Ҳосилни нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида, уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш, албатта моддий манфаатдорликка боғлиқ. «Пахта банк» бўлимлари теримчиларга кўмаклашиш учун ўзларининг бор имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Ҳар беш кунда ҳисоб-китоб даланинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда.

Терим учун тўловларни назорат қилиш гуруҳлари жойларда бўлиб мунтазам текширишлар олиб бормоқдалар.

Воҳа далаларига ҳозирги дамларда 360 та терим агрегатлари жалб қилинган бўлиб улардан 114 таси «Кейс»лардир. 187 минг теримчи ҳамда бу машиналарнинг кучи билан 280 минг тонналик вилоят «оқ олтин» хирмонини бунёд этишга астойдил бел боғланган.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Масъулият унутилган жойда

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Темирйўлйўловчи ташиш» корхонаси Урганч филиалида йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасидаги қонунлар ижроси текширилганда, бу ерда масъул раҳбарларнинг айби билан қатор қонун бузилишларига йўл қўйилаётгани аниқланди.

Урганч темир йўл вокзалидан чет элга жўновчи «Душанба-Саратов- Душанба» ҳамда «Тошкент-Москва-Тошкент» йўналишидаги поездлар ўтади. «Душанба--Саратов» йўналишидаги 223-сонли поездга поезд бошлиғи берадиган ўринлардан ташқари алоҳида бир вагон ҳам ажратилган бўлиб, бу вагонга айнан шу ерда патта сотилади.

Текшириш давомида Урганч темир йўл вокзалида бу поездларга сотилувчи патталардан тегишли сўровнома, талабномалар бўлмагани ҳолда «Экспресс» патта сотиш тармоғининг 04-сонли брони билан Хоразм темир йўл дирекцияси бошлиғи Х.Эшметов учун олтита, 17-сонли бронда «Темирйўлйўловчи ташиш» корхонаси Урганч филиали бошлиғи В. Капаяниди номига саккизта, 14-сонли бронда эса Урганч темир йўл вокзали бошлиғи Д. Собиров учун саккизта билет сотилмасдан ҳисобдан яширилган. Агарда буни тўғри маънода англайдиган бўлсак, мазкур масъул раҳбарлар йўловчиларга билет сотишда ошна-оғайничиликка йўл қўйишяпти ёки билетни яширин тарзда сотиш ҳоллари мавжуд деган фикр келиб чиқади.

Яна бир ҳол: вокзалда асосий шоҳбекатларга билет баҳолари ҳамда поездлардаги мавжуд бўш ўринлар ҳақдаги маълумотлар илиб қўйилмаган.

«Тошкент-Москва» йўналишидаги 232-сонли поездга умумий тартибда тўрт купе, саккиз плацкарт ўринга патта сотилгани ҳолда юқоридаги масъул шахслар тақсимлаганлари учун 12 та купе ва 16 та плацкарт жойлар беркитилиб билетлар умумий асосда сотилмаган...

Худди шундай йўловчи поездлар билет назоратчиларининг фаолияти ўрганилганда, 1999 йил июль, август ойлари учун текшириш графикларининг йўқлиги маълум бўлиб қолди. Бу эса соҳада деярли тартибсизлик ҳукм сураётганлигидан дарак беради.

Мана бир мисол: 1999 йил 14 июль куни тузилган далолатномада кўрсатилишича, «Душанба-Саратов» йўналишидаги 223-сонли поезднинг 8-вагон назоратчилари текширилиб, 54 нафар билетсиз йўловчининг уч тоннадан зиёд ошиқча қўл юки Душанба шоҳбекатидан Саратов шоҳбекатига олиб кетилаётгани қайд қилиниб, бу йўловчилар исм-шарифлари, манзиллари, ортиқча юк эгаларининг исми-шарифи аниқланмасдан, қоидабузарлардан тушунтириш хати олинмасдан, ҳуқуқбузарларнинг ёнларида ўзбек миллий пули йўқ, деган баҳонада кира ҳақи ундирилмай, шунингдек жарима ундириш ҳақида қарор чиқарилмасдан қолдирилган. Бундай ҳолни қатор бошқа далолатномаларда ҳам кўриш мумкин.

Вокзалда билетларни сотишда умуман тартиб йўқ.

Сўнгги йилларда тез-тез вокзал бошлиқларининг алмаштирилиши одат тусига кирган. Меҳнат интизомининг бузилгани, масъул раҳбарларнинг масъуликни унутишгани натижасида йўловчилар орасида норозилик ҳақли равишда келиб чиқмоқда.

Рустам СОДИҚОВ, Оролбўйи транспорт прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Инсон хотираси — азиз

Зоти бобаракот

Нечук тавр ила пиримиз эшони Қутбиддин Муҳиддин бетавфиқ мужодаллавий моддиюнчиликдан имтиҳон «топширганлари» ва фан номзоди бўлганлари баёни

ЯХШИЛАР

Домлайи киромни (1906-1983) дастлаб 1961 йилда учратганман. Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида. Вазият жуда таранг. Дахриёна жазава, дини исломга хуруж авжида. «думалоқ хатлар» қарийб одатий тусга кирган. Ҳаммаёқ «интернационаллашиб» борарди. Фирқаён фаоллар безовта: қандай қилиб бу илмгоҳга собиқ сиёсий маҳбус, эшонзода, беш вақт намозхон, художўй шахс суқилиб кирдийкин? Нималар бўлаяпти ўзи? Бу чолнинг ҳомийси ким экан?

Юқорининг имдодисиз, ако-бирларнинг ихлосу карамисиз, илмгоҳ раҳбариятининг раъйисиз бундай руҳоний «унсур» Академия даргоҳига яқин ҳам келолмаслигини билишарди.

Лекин юрт олийжаноб инсонлардан холи эмас. Яхшилар борки, олам мунаввар. Қўй оғзидан чўп олмаган Қутбиддин домла билими ва самимияти билан илмий жамоа ўртасида ҳурмат ва эътибор қозона бошлади.

ШАХС

1971 йилда ҳазрат, 65 ёшларида Низомиддин Муҳаммад Мирзо Маҳдихоннинг 1760 йилда ёзилган «Санглох» асари юзасидан номзодлик диссертацияси ёқлайдиган бўлдилар. Тадқиқот ҳимояга тахт. Муаллиф баҳсга шай, ўзларини «совутиб» турибдилар.

Иттифоқо маълум бўладики, мужодаллавий моддиюнчилик (диалектик материализм) фанидан минимум, инчунин, номзодлик имтиҳони топширилмаган. Ана холос! Ҳали туғилмаган ўғилга сумакдай бир иш бўлибди-да. Бу дудмал муаммони, юрак ютиб, ким ҳал қилади? Ким бўларди — мен-да: Ғайбуллоҳ ас-Салом балогардон.

Сафар Ўтан деган мухлис файласуф биродарим бор эди. Жоно! Ҳассос олим. Иймон-эътиқодли, покиза йигит эди раҳматли.

Бир фурсат уёқ-буёқдан отамлашган бўлдик... «Қозон-товоқ, эчки-бузоқ» дегандай. Суҳбатдошим оила хусусида жўшиб гапирди. Жамиятнинг ўқ томирини оила ташкил этади, жамиятнинг қанчалик соғлом ёки носоғломлигини айнан унинг аҳволи руҳиятидан билса бўлади, деди у.

Домла Қутбиддин Муҳиддин (ўнгда) академик шоир Ғафур Ғулом билан.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ у оила муаммосини чўнг фалсафий баҳсга айлантириб, жиддий дастур ва режаларни ишлаб чиқди. Афсуски, умри вафо қилмади. Ҳаётдан кўз юмди. Аммо ўйлаган ўйлари, юқорининг имдоди билан, кенг миқёсда амалга ошди.

Гапга таънакор топилди.

— Балойингни олай, иним Сафаржон, — дедим инжилиб. — Бир хизмат чиқиб қолди...

— Жоним билан, оға. Қачон Сиз бир нарса дедингизу, мен йўқ дедим? Етса молим, етмаса жоним. Айтаверинг, ажалдан бошқасининг иложи бор.

— Сиз оила дейсиз. Мен шахс дейман. Шахсдан ташқарида — оила йўқ. Оиладан ташқарида — шахс йўқ. Жамиятдан ташқарида — башарият йўқ. Бари бир-бирига вобастаю пайваста.

— Ҳов, — деди у ҳазиллашиб, файласуфона.

ПИР

— Ундай бўлса, бундай, азизим. Гап табаррук бир одамохун хусусида. Камина хароботийга пир янглиғ шайхул-машойих устозим борлар. Эшони Қутбиддин Муҳиддин Ургутий бўладилар. Домлахон ҳазрат Алишер Навоий ижоди мавзусида луғатшуносликдан бағоят мароқли илмий рисола ёзганлар. Номзодлик маъносинда. Кутилмаганда, ишкал чиқиб қолди. «Диамат»дан имтиҳон топширмаган эканлар...

— Бе-е, «ишкал» шуми? Айтинг, бирров келсинлар. Менга кўриниш берсинлар. Ҳозир имтиҳонларни айни пайти, оғагинам.

— Шундайми? Сизга... «кўриниш берсин»ларми? Ҳим... Сиз томонларда жаноби шайхур-раисни имтиҳон қиладурғон аллома топилармикан шу кунларда?

— Ҳа-я, — манглайини тириштирди Сафар Ўтаний. — Нима қилайлик, бўлмаса,устоз?

ИБТИДО

— Очиғи, андиша қилиб турибман, садаға... Қўрқаманки, фалсафа илмида Сизлар домлахонни имтиҳон қилиш чоғида ул киши (мадрасанинг тупроғини ялагана!) Сизларнинг ўзларингизни пақос «синов»дан ўтказиб, инчунин, «Ўтан» қилиб қўймасалар эди...

— Бу ёғи ҳам бор... — кулди у.

— Яшириш на ҳожат, ҳазратим тақводор, покдомон, муслим инсон. Сиз ул одамдан: «Бирламчи ибтидо надур?», деб сўрайсиз. Ҳада. Кутасизки, тақсирим (ичларида: «Ё Яздон. Ўзинг кечир мен ожизу ношуд бандангни. Шу топда дўппи тор келиб қолди. Кўрмаяпсанми манови зиндиқларингни. Биргина қур ёлғонга изн бериб, ёҳув, Сенга мункир келишга мажбурман» дея): «Бирламчи ибтидо модда», десинлар. А? Асло. «Аввалиюн — охирин: Худо!» деб жавоб қиладилар. Хотирингиз жам бўлсин, бўтам. Қандоқ? Тўғрисини айтсам, Сизлар миллион марталаб сиғинган ўша модда (материя)ни ҳам ҳаммамиздан кўп ва хўб биладилар. Лекин мавҳум, ҳосила моддага эмас, асл-азалий яратувчи зот — Худованди каримга ихлос қиладилар. Ул зотни сўқир даҳрийларингиз Сибирияда қул қилиб ишлатган. Жаҳаннам азобига солиб, бўйнига ғул солишганида ҳам: «Ё Ҳаққул барҳақ!» деганлар.

Сизлар ул кишига: «Худонинг борлигига қани исбот?», деб хиралик қиласиз. Ул зот сопингизни ўзингиздан чиқазадилар: «Худонинг йўқлигига далил қани?»

Сиз қуролли қўзғолондан, аллақандай «адолатли» урушдан лоф-қоф урасиз. Эшон буни гуноҳи азим санайдилар. «Бандасини Оллоҳ таъоло яратган. Тинч, осойишта, доруломон яшасин деб. Унинг қонини тўкишга, жонидан жудо қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Хуни ноҳақ қилганинглар учун дўзахда тутаб ёнасанлар? Ундай қилманглар, бачам», дейдилар.

«Биз оламни қайта қурамиз. Ҳатто инсон зотини ҳам қайтадан бунёд этамиз», дейсиз. «Ҳай-ҳай, сал пастроқ тушинглар. Баний одам нари турсин, оддий чумолига ҳам жон ато этолмайсизлар. Суф сендақа лофчиларга!», деган жавобни оласиз.

Хўш?...

ИНТИҲО

— Бўлди, тушундим, отагинам, — деди Ўтанийзода. — Ҳисоблашингиз мумкинки, куфрона «моддашунослик» имтиҳонидан тақсирим яхши... ўтдилар. Сизнинг қиёфангизда, албатта. Аммо тайёргарлик зўр бўлибди. Ҳаммаси ўзингиз айтгандай анжом топади, иншоолоҳ. Эртагаёқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ректори номига расмий хат келиб тушсин. Уёғини қўйиб берасиз. Биз ҳам шундоқ улуғ инсоннинг дуоларидан умидвормиз.

Орадан бирон ҳафта ўтиб-ўтмай академик Эркин Юсуфийнинг гажакдор имзоси билан бир яхши жавоб олинди. Иш саранжом бўлди. Мен икки файласуф олимимиздан, мулло амак мендан, борингки, ҳаммамиз Бобонинг дуоларига дохил бўлганимиздан беҳад мамнун эдик. Не бир омадким, бизни — ҳазратни, Эркин Юсуфий билан Сафар Ўтанийни, академик ва пединститут раҳбариятини, биринчи галда бу хуфя «фитна»ни уюштириб амалга оширган камина фирқасиз, «шаккок»ни бемаза қовуннинг уруғидай болалаб кетган атеистларнинг қаҳр-ғазабидан Яратган эгамнинг ўзи сақлаб қолди.

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

(Давоми бор)

«Обуна-2000»

«Мулоқот» — фикр майдони

Янги йилнинг январида «Мулоқот» журналининг ташкил бўлганига ўн йил тўлади. Ўн йил бу — тарих учун кўз очиб юмгандай қисқа фурсат. Бироқ, ўтган муддат ҳурликка етишган Ўзбекистон учун асрларга татигулик давр бўлди. Юртимиз мустақилликка эришди, жамият ва дунёқараш ўзгарди, одамлар ўзгарди. «Мулоқот» ана шу ўзгаришларнинг олдинги сафида қадам ташлади, юртдошларимизни миллий ўзликни англашга, истиқлолни мустаҳкамлаш учун курашга руҳлантириб турди. Ана шу қисқа даврда журнал жамоаси ўз ўқувчисини топди ва энг суюкли нашрлардан бирига айланиб улгурди. Бунга ўз ходимларининг жонбозликлари ва юрагида ўти бор фидойи муаллифларининг саъй-ҳаракатлари туфайли эришди. Журнал саҳифаларида ҳар доим ўзбекнинг улуғвор тарихи ҳаққоний аксини топди. Жаҳон халқларини ўз аҳлий заковати билан лол қилган бобокалонларимиз ҳаётидан лавҳалар эълон қилдик. Одамларни маънавиятга, меҳр-оқибатга, вафо ва садоқатга, эътиқодли бўлишга чорладик. Ана шундай «Мулоқот» фикр майдонига айланди. Қолаверса, ҳали олий ўқув юртлари талабалари янги дастур ва янги дарсликка эга бўлмаган истиқлолнинг дастлабки даврларида «Мулоқот» дарслик вазифасини адо этиб келди. Шунинг учун ҳам журнал эл орасида қадр топди.

«Мулоқот»нинг ўтган йилги сонларида шарқнинг буюк фарзандлари — Жалолиддин Мангуберди, Фаробий, Огаҳий, Абдураҳмон Жомий, Амир Умархон, Абулғозийхон, Увайсий, Бобораҳим Машраб, Ҳаким Саноий, Ғазнавийлар ҳақида қизиқарли мақолалар эълон қилинди. Жонкуяр муаллифларимиз халқимизнинг улуғворлиги ва ориятини куйлаган асарлар «Авесто» ва «Алпомиш»га тўхталдилар. Ватанимиз ва халқимиз ўтмиши, шонли тарихимиз, миллий урф-одатларимиз, қадимий ғоя ва эътиқодимиз ҳақидаги мақолалар ўқувчилар эътиборини тортди. Жорий йилда таҳририятимиз кўп минг сонли муштарийлардан минглаб мактуб ва мақолалар олди. Уларнинг айримларини журнал саҳифаларида эълон қилган бўлсак, баъзи бирларини жойлардаги мутасаддиларга йўллаб, ечимини ижобий ҳал қилишга эришдик. Бугун жамоамиз ва журналхонлар орасидаги мулоқотлар ҳар қачонгидан фойдали ва самарали бўлаётир.

Журналимизнинг ўн йиллиги нишонланадиган 2000 йилдан умидимиз катта. «Мулоқот»нинг янги сонларида халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳам суҳбатлар ўқийсиз. Ҳар сонда таҳрир ҳайъати аъзоларининг муаммоли чиқишларини эълон қилиб борамиз. Хуллас, олиму шоир, муаллиму ношир, тадбиркору мулкдор, заҳматкаш пахтакор, чорвадору миришкор боғбонлар билан самимий мулоқотлар ўтказамиз.

«Мулоқот» янги сонларида инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва маф-кура, илм ва эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳс ва мунозаралар эълон қилади. Шунингдек, табаррук сиймолар Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Миртемир, Мақсуд Шайхзодаларни ёд қиламиз. Ва Амир Абдул Аҳад, Комрон Мирзо, Жаҳонгиршоҳ, Мумтоз Маҳал, Камолиддин Беҳзодлар ҳаётига оид янги маълумотлар билан сизларни хушнуд этамиз.

Янги йилдан «Мулоқот»даги 20 фоиз мақолалар лотин ёзувида берила бошлайди. Истиқлол истиқболи учун хизмат қилаётган юртдошларимиз ҳақида қизиқарли лавҳалар эълон қилиб борамиз. Бундан кейин ҳам жамият ва адолат, дунё ва давлат, мафкура ва замон, бойлик ва ахлоқ, иймон ва эътиқод ҳақида кўтарилган энг янги, энг халқчил ижтимоий фикрни биринчи бўлиб «Мулоқот»да ўқиб борасиз.

Ҳеч шубҳасиз, янги йилда ҳам «Мулоқот» ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун энг яқин дўст, энг фойдали ҳамкор ва энг куюнчак кўмакдош бўлиб қолади.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,
«Мулоқот» журнали маъсул котиби

Нашр кўрсаткичларимиз:
Якка обуначилар учун — 844
Ташкилотлар учун — 845

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «ХРС Давон» хусусий фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар, эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой муддат ичида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 22-35-84.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ректори, профессор А. Қ. Хамроқуловга падари бузруквори **Қодирхон ота ҲАМРОҚУЛОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда. 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Замонавий мулкдор»

қимматли қоғозлар бозорида банк маҳсулотининг янги турини тақдим этади

Энди қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни расмийлаштириш учун Тошкентга, биржага келиш шарт эмас. Барча ҳужжатларни яшаш жойидаги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг яқин атрофдаги филиали ёки бўлимида расмийлаштириб, битимларнинг сифатли ижро этилажагидан ҳотиржам бўлишингиз мумкин.



Янги хизмат тури қуйидаги имкониятларни беради:

- *Қимматли қоғозлар олди-сотдисига операцияларда эркин қатнашиш;*
- *Қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга доир маслаҳатлар олиш;*
- *Хоҳ биржа бозорида, хоҳ биржадан ташқари бозорда сотилаётган қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.*

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Қимматли қоғозлар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефон: 137-59-42

Миллий банк қуйидагиларни кафолатлайди:

- *Қимматли қоғозларга доир битимларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;*
- *Қимматли қоғозларга доир операцияларнинг хавфсизлиги ва ўз вақтида бажарилиши.*